

İİİ İİİ  
B İ İİİİİİ

FarDU  
ILMIY

XABARLAR I- НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК  
ФерГУ

1-2019  
y a n v a r

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОАРФОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR -**

1995 йилдан нашр этилади.  
Йилига 6 марта чиқади.

**V** у

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# БИЛВОСИТА ТАРЖИМАДА ТЕРМИНОЛОГИК СУЗ БИРИКМАЛАРИ КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ УЗАРО МАЪНОВИЙ АЛОЦАДОРЛИК ХУСУСИЯТИНИНГ САКЛАНИШИ

(Рей Брэдбери хикоялари мисолида)

**Хошимова Д.Р.**

*Чирчиқ давлат педагогика институт*

*’’Хорижий тиллар*

*кафедраси уштурувчиси*

## **Аннотация:**

*Ушбу мақола Рей Брэдбери уикояларида терминологик суз бирикмалари компонентларининг узбек ва инглиз тилларида узаро маъновий алоқадорлик хусусиятини урганишга бағишланади.*

СОХРАНЕНИЕ ОСОБЕННОСТЕЙ ВЗАИМОСВЯЗИ КОМПОНЕНТОВ  
ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИХ ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИХ СЛОВСОЧЕТАНИЙ  
ВПОСРЕДСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ  
(На примере в рассказах Рея Брэдбери)

## **Аннотация:**

*В этой статье рассматриваются особенности взаимосвязи компонентов терминологических лексико-семантических словосочетаний в рассказах Рея Брэдбери в английском и узбекском языках. Стилистический анализ проведен на основе разнообразных примеров из произведений Рея Брэдбери.*

THE PRESERVATION OF THE PECULIARITIES OF LEXICAL AND SEMANTIC  
ASSOCIATION OF TERMINOLOGICAL PHRASAL COMPONENTS IN INDIRECT  
TRANSLATION

(in example of Ray Bradbury's stories)

## **Annotation:**

*The article discusses the peculiarities of lexical and semantic association of terminological phrasal components used in Ray Bradbury's stories in English and Uzbek languages.*

**Таянч сузлар:** фантастика, илмий термин, лексик-семантик, суз бирикмаси, телекинез, телепатия, со%а, х,ид, стилистик воситалар, коинот.

**Ключевые слова:** фантастика, научной термин, лексико-семантический, словосочетания, телекинез, телепатия, сфера, аромат, стилистическое средство, мир.

**Key words:** science fiction, scientific term, lexico-semantic, phrase, telekinesis, telepathy, field, smell, stylistic devices, space.

Маълумки, тил жамиятнинг кай даражада тараккий этганини курсатиб боровчи узига хос кузгу хдсобланади. Халкнинг миллат даражаси

---

**Тилшунослик**

га кутарилишида шу халкни ташкил этувчи кишиларнинг орзу максадлар йулида жипслашувида, шубхдсиз, тилининг роли катта аҳдмийат касб этади. Бугунги кунда тилнинг ривожланишида, айниқса, адабиётнинг урни бекиёсдир. Жаҳон адабиёти адабий жараёни мураккаб ҳдҳиса булиб, айнан фантастик асарлардаги ёзувчи истеъдодининг кенг имкониятлари, асар тилидаги баъзан илмийлик ва баъзан бадийлик хусусиятлари бевосита укувчи калбидан жой олади. Боишда давлат адабиёт намуналари билан танишиш, чет эл фантаст ёзувчиларининг асарлардаги илмий терминларни урганиш, уларнинг бой тажрибасини ижодий равишда узлаштириш, инглиз ва узбек тилидаги илмий терминларни киёсий аспектда урганишни кун тартибига куяди. Фантастик асар ёзиш коидаларидан келиб чиккан холда ёзувчилар уз асарларида илмий терминлардан фойдаланибгина колмай, балки уларни стилистик воситалар сифатида ҳам кенг фойдаланган. Ушбу хусусиятларни таржимада намоён этиш таржимондан юксак маҳоратни талаб килади. *Воситачи тилдан угираётган таржимон аслият устида иш олиб бормаганлиги учун имкониятлари %ам чегараланади. Баъзан аслиятдаги айрим парчалар қолдириб кетилиши ёки таржима жараёнида маънони қиқариш учун узгартиришлар киритилиши мумкин.* Жумладан, бундай мураккаб адабий жараёнда атамаларнинг бошқа тилга таржимасида билвосита таржиманинг урни бекиёс.

Шу уринда, атама тушунчаси ва унинг хусусиятларига эътибор каратсак, атамалар Л.В.Шерба таърифида фан ва соҳага тегишли булиб, маълум тушунча ифодалайдиган суз ёки суз бирикмаси деб берилган.[1] Тилимиздаги анъанавий ва баркарор терминларни урганиш жараёнининг жадаллиги уларнинг бир бутун терминологик каторлар ташкил топишини таъминлайди ва тил тараккиётида муҳдм аҳамият касб этади. Лексик хусусиятига кура терминлар асосан бир маъноли булиб, аммо тилда куп маънолилари х, ам учрайди, бу холат одатда бадий адабиётда кузатилади. С.В.Гриневнинг атама хусусиятига берган таърифи - “бу маълум бир тилнинг алоҳдда тушунчалар номини берувчи махсус лексик бирлигидир” - аниқроқдир.[2] XX асрнинг иккинчи ярмида Америка адабиётидаги х, иқоя жанри бағоят тез ривожланди. Унда реалистик йуналишдаги хикоялар билан бир каторда турли модернистик оқимларга мансуб хикоялар яратилди ва яратилмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида Америка адабиётида кенг ривожланган жанрлардан бири фантастик хикоя хисобланиб, унинг энг йириги, шубҳасиз, Рей Брэдберидир.

XX аср Америка адабиётининг машҳур намоёндаларидан бири булмиш Рей Брэдбери куплаб роман, кассалар туплами ва х, иқоялар ёзиб колдирган. Унинг китоблари дунёнинг 33 та турли тилларига таржима килинган ва 35 мамлакатда нашр килинган. Рей Брэдбери ҳаммага илмий фантастиканинг энг машҳур муаллифи сифатида танилди. Рей Брэдбери асарлари тили узининг илмийлиги, илмий терминологик каторларга бойлиги билан ажралиб туради. Ёзувчи адабиёт имкониятларидан ҳам

Тилшунослик

фойдаланади. Унинг хикояларидаги илмий терминлар инсон ва жамият ҳаётида руӣ берувчи гайриоддий воқеалар, инсон табиатидаги муқаддас ва юксак туйғулар, инсон, табиат ва жамиятда яширинган ҳамда пайти келиб ташқарига иортлаб чиқиб, атроф борликни таниб бўлмас даражада узгартириб юборишга қодир оддий, қундалиқ воқеаларни қамраб олган. Рей Брэдбери уз асарларида фантазия ва илмий фантастикадан, қитобхон қалбига дахшат қолувчи романлар элементидан фойдаланади. Одатда Рей Брэдбери асарларида турли жанр унсурлари бир-бирига қоришиб қетади. Айнан мана шу хусусиятлар Рей Брэдбери ижодининг узига қослигини Қамда унинг қитобхонлар томонидан узгача қабул қилинишини таъминлайди. Рей Брэдбери уз асарларида вампирлар, шафқатсиз қотиллар, қироманлар, арвоқлар, телеқинез, телепатия ҳақида қикоя қилса-да, шаҳе ва унинг жамиятдаги урни, эзғулик ва ёвузлик уртасидаги қураш қаби қамонанинг энг қолзарб муаммоларини илмий томондан қутариб қикади.

Қрзирги қунда илмий -техникага оид терминларни инглиз тилидан узбек тилига таржима қилиш масалалари энг қолзарб қисобланади, қунки у ҳали назарий қихатдан тадқиқ этилмаган. Илмий-техника матнларида баъзи махсус терминларни таржима қилиш қийинчилик тугдиради. Бундай терминлар (атама)ни таржима қилиш учун таржимоннинг узи узбек тилидаги муқобил терминларни қидириб топиши зарур бўлади.

Рей Брэдбери асарларидаги илмий терминларни таҳлил қилар эканмиз, инглиз тилидаги илм-фан ва техникага оид атамалар илмий фантастика жанри талабларини таъминлаган. Қуйида унинг қаламита мансуб “A sound of Thunder” (“И грянул гром” — “Туё гүмбурлал қи мақалқирок”) номли қикоясидаги илмий терминларни таҳлил қила: эканмиз, бу фантастик қикояда фантастика жанри усулларида бири - **телепортация** қулланилган бўлиб, инсонлар вақт бўйлаб бопқа мақонга ва масофага қайҳат қила олишиқир. Леқин ҳайлий қайҳат эмас, техник натиқаси улароқ ҳақиқий қайҳат амалга оширилади. Қикояда қулланилга-илмий терминларнинг уч тилдаги, яъни инглизча, русча ва узбек"-:- намуналарини қилиштириш мобайнида ҳар бир тил ютуқ ва қамчилиқлағ қашф қилинди. Бу қараёнда она тилимизнинг нақадар бой ва афзаллағе: амин бўласиз. Леқин инглиз тилининг афзаллик томони шундақи, қикр:- г лунда, қиска ва қодда қилиб етқазилади, ҳам грамматик, ҳам лек: қихатдан қулай. Шу қихатлар иққи тилга, рус ва узбек тилларига эмаслиғи қузатилади. Қитобхонга мазмун ва қикрни етқазиб бер: а: мақсадида жумла узайиши учраб туради.

Илмий фантастик асарларда берилган терминологик суз бирикмал;: и атамаларнинг тур тушунчасини берибқина қолмай, балқи аниқлаштирит-а белгилари билан бирғалиқда қуринишини ҳам ифодалаб беради.

Терминологик бирикмалардаги у ёқи бу қомпонент бир вақтЕ ағ, узида умумий ва махсус белгиларга эга бўлиши мумқин, яъни бошқа те: »

**Тилшунос**

нологик бирикмалар таркибида иштирок этиши мумкин. Бундай хусусият узиги хос терминологик уяни вужудга келтириб, бирор бир соҳанинг бир неча терминлар каторини ифода этади.

Масалан, инглизча атама *“impedance”* - “узгарувчан ток занжирида тулии; каршилиқ” маъносини бериб, терминологик бирикмалар каторида асос компонент сифатида ишлатилади, у каршилиқ сифатини ва занжир катнашувчиси маъносида куйидаги терминологик бирикмаларда иштирок этади:

blocked impedance  
biasing impedance  
vector impedance  
driving-point impedance./5,17/

Бундан ташқари, атамаларнинг тахлили жараёнида семантик компонентлар тахлилига ҳам эътибор қаратиш лозим. Рей Брэдбери хикояларидаги илмий атамаларнинг семантик компонентлари (семалар) деганда шу атама англатган маънонинг элементлар бирликлари тушунилади. Замонавий фантастик асарда ушбу бирликларга сузнинг маъноси парчаланиб таркаган бўлиши мумкин. Илмий атама таркибидаги сема маънонинг бирлиги бўлиб, маъно билан узвий боғлиқдир. Семантик компонент уз ичига, албатта, словальни (лексикон) камраб олади. Ушбу словальда ҳар бир сузга унга мос келувчи маълум бир мазмун солиштирилади. Караулов Ю.Н. айтишича: “семантик компонентлар, уларнинг маъмуаси ва талқини урта даражадаги тил намоёнчаси даражасидан келиб чиқиб кетмаслиги лозим, акс холда тағшининг фойдаси бўлмайди”.[3]

Илмий атамалар таркибидаги семантик компонентнинг муҳим бир хусусиятларидан бири -бу унинг юқори даражада мавҳумлигидир. Айнан мана шу хусусият семантик компонентларнинг мослашувчанлиги, нисбатан турғунлигини белгилайди. Бир компонент турли хил сузларнинг маъносига қиради, бу эса семантик компонент индивидуал бўла олмаслигини курсатади. Асарда фойдаланилган семантик компонент маълум даражада “аниқликка”, “уз маъносига” эга бўлиши лозим. Бу унга турли сузлар маъноларига қушимча элемент сифатида сингишига ёрдам беради.

Бевосита адабиёт соҳаси тилига келсак, семантик компонентлар турли бадий асарларда кенг қулланилади ва қупинча бир семантик элемент турли мавзудаги фантастик асарларда турлича талқин этилади.

Хикоя таржимасида баъзан сузларни, фан ва техникага оид терминларнинг асл холи сакданган холда таржима қилинади:

Инглизча матн:

*if you hit them right, said Travis on the helmet radio”[5,58]*

Русча таржимаси:

*Если верно попадешь, ответил в наушниках Тревис ”*

Тилшунослик

Ўзбекча таржимаси:

*“Агар нишонга уролсангиз, - наушникда Тревиснинг овози эшитилди ”*

Маълумки, “наушник” русча суз булиб, ўзбекчада кулок радиоси деган маънони беради. Лекин асарда ушбу атамани тушунтириш учун изох, берилмаган.

Инглизча *“helmet radio”* ва *“oxygen helmet”* мураккаб атамаларидаги “helmet” сузи русчада “каска”, ўзбекчада “дубулга” маъносини билдиради. Лекин русча таржимада “наушник”, “кислородный шлем” деб таржима килинган. Ўзбекча таржимада илмий термин уз холича саклаб колинган.

Кейинги мисолга мурожаат киламиз:

*“A dead mouse here makes an insect imbalance there, a population disproportion later, a bad harvest further on, a depression, mass starvation, and finally, a change in social temperament in far-flung courtiers”. [5,61]*

Ўзбекча таржимаси:

*“Айтайлик, сичшоннинг улими уашарот оламида кичикроц узгаришга олиб келар, сут ра — тур эркин ривожлана олмаслигига, очарчиликка ва нщоят, узгаришларга сабаб булар ”.*

Бу матнда инглизча айнан психология фан соҳасига тегишли булган *“imbalance”* атамаси *“кичикроц узгариш”* эмас, балки *“мувозанатнинг бузилиши”* деб берилса ҳам буларди. Асл нусхадаги *“depression”* сузи русчада *“депрессия”*, ўзбек тилидаги таржима нусхасида эса колдириб кетилган. Зеро, бу сузни *“тушкунлик кайфияти”* деб берилса, мақсадга мувофиқ буларди.

Рей Брэдберининг фантастик китоблари ва новеллаларининг ҳар бири узига хос башорат ва огохлантириш элементларини уз ичига олади. Инсонлар келажаги учун ҳавф солаётган ҳатар бошқа асарларда ҳам долзарб мавзудир. 1964 йилнинг охирида Лос-Анжелос театрларидан бирида намоиш килинган бир актли пьесалар бунга яққол мисол була олади. Улардан энг таъсирлиси - бу “Вельд” (“The Veldt”) ҳикоясидир. Ёзувчи ушбу ҳикоясида ҳам илмий терминлардан кенг фойдаланиб, асарда тилга олинган атамалар асар проблематикасини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Асар илмий-замонавий фантастика жанрига тегишли булгани учун илмий атамалар унинг мазмунини очиб беришда муҳим роль уйнайди. Асар сюжети қуйидагича:

Диккатни тортувчи рекламалардан таъсирланган америкалик оила 30 минг долларга бутунлай автоматлаштирилган уй сотиб олишади. Болалар хонаси, айникса, гаройиб хусусиятга эга эди. Ахир энг яхтти нарсалар факат болалаларга-ку. Бундай уйни ишлаб чиқарган фирма ҳам уйни “Бахт учун” деб номлаган эди. Лойихалаштирилган қурилмаларнинг ва ҳар хил мосламаларнинг мураккаб системаси, келажакдаги охириги техникага қура, болалаларнинг хоҳишига асосан бир лаҳзада хонани Ернинг исталган жойига айлантириши, хоҳлаган қуринишни жонли образда муҳайё қила олади.

Тилшунослик

Болалар тасаввурини эртақлардаги боглар жалб қилмайди. Инсоний фазилятлардан йироқлашган мухитда уларнинг қалби метиндек қотган, меҳр, илиқлик йуқлиги сабабли шафқатсиз бўлиб кетишган. Инсонни ялқовликка олиб қелган бу уй ҳатто болаларнинг тишини ҳ;ам, узини ҳам ювинтиради, оёқ қийими ипини ҳам боглайди. Ҳ,атто ота-онасини ҳам

ётоқлари тебратиб ухлатади, овқат пишириш ҳам автоматлашган ошхона зиммасида. Шу даражада ривожланган механизм болаларнинг дарсини ҳам бажаради, сочини ҳам тарайди. Бу техника асрида инсоннинг бажарадиган иши қолмаган, ота-она меҳрини ҳам механизм эгаллаган.

Механизмлаштирилган уй болаларнинг ҳам отаси, ҳам онаси, уларнинг бору-йуги. Машиналашган ҳаётда инсоний туйғуларга урин йуқ-

Охирги вақтларда ота-она болалар хонасидан даҳшатли қийқирикли овозларни эшитиб қоладилар. Болаларнинг бўйруғига қура, хона қуёш иссиғидан ёнаётган, қуруқ Африка қули - Вельдига айланган. Унда оч шерлар ҳам худди қонлидек изғиб юрарди. Бу ҳолатдан жаҳди қиккан ота-она қонани, умуман уйнинг механизмини ўқираиб қуйишга қарор қиладди. Болалар бўлса, уз хонасидан ажралнишни қохламайдилар. Чунки бу хона улар ўчун ота-онасидек азиз. Улар мана шу даҳшатли қонага ота-оналарини қамаб қуйадилар ва уларни оч шерлар қурбонига айлантиради. Шундагина ота-оналар аввалроқ эшитилган қийқириклар аслида узлариники эканлигини англайдилар. Қалбни қарзага қелтирадиган қожеа қанқаси қанқалиқ аянқчилигини тасаввур қилиш мумкин. Муаллиф бу билан “уз болаларинғиз баҳти ўчун нима қарурлигини унутиб, уларни тубсиз бешафқат ва бераҳмлиқ қарига итармоқдасиз” - дейди.[4]

Қуринишидан бешафқатлиқ руҳида ёзилган пьеса инсон интеллектини, муҳандислиқ маҳоратини тугри мақсадларда қулламаганлиги оқибати мана шундай қожеа билан яқун топишини қурсатади. Бу пьесада глобал муаммога айланган қелажак авлод тарбияси, маънавий қасаласи қутарилган. Қуйида “Вельд” ҳикоясининг узбекча тарқимаси билан қанишамиз. “Вельд” ҳикоясини русчадан Нозим Қомил тарқима қилган. Тарқимада аслият руҳи сақланган, лекин баъзи сузларнинг ташлаб қетганлиги, шунингдек қил имқониятлари, айниқса, илмий атамалар қулланилишида яққол намоён бўлган. Илмий терминларнинг тарқимаси уз қолича сақланган. Бу эса уз навбатида илмий терминларнинг муқобили йуқлигини ва бошқа қилларда ҳам тарқимаси уз қолича қолишини таъминлайди.

Аслиятда:

*“-Walls, Lydia remember; crystal walls, that’s all they are. Oh, they look real, I must admit - Africa in your parlor - but it is all dimensional **super reactionary, supersensitive color film and mental tape film** behind glass screens. I t’s all odor phonics and Sonics, Lydia”* [5,68]

Узбекча тарқимаси:

**Тилшунослик**

“-Лидия, улар девор, бор йуги нурланувчи девор, холос, бунни учам унутма. Тугри, шерлар худди ростакмига ухшайди, бунга хеч нарса дея олмайман — бизнинг уйимизда Африка-я! Бирок буларнинг х,аммаси тасвири ойнаванд экранга туширилган рангли цжвай фильм, **психозапись**, **одорофонлар** ва **стереотовушинг** ута кучли таъсири, холос”.

Юкоридаги **одорофон** — **хид таркатувчи, стереотовуш, психозапись** каби терминларнинг узбекча мукобилини топиш бирмунча кийинчилик тугдиради. **Одорофон** инглизча атама булиб, унинг тузилиш структураси ва маъновий хоссаси куйидагича, яъни иккита суздан тузилган мураккаб термин хисобланади, илмий терминологик лугатда куйидагича таърифланади: “*odorophonic (science—fiction term) — a device producing smell and sound consists of two units - “odour”, “phone ” which means “smell” and “sound”*”.

Бопща уринда “рангли хажвий фильм” эмас, балки “рангли буртма, стереоскопик тасвир” деб берилса тугри буларди. Чунки инглизча матнда ва русча матнда ҳам “хажвий” сузи иштирок этмаган.

Русча таржимаси: “ —Но все это лишь повышенного воздействия цветной объемный фильм и психозапись, проектируемые на стеклянный экран, одорофоны и стереозвук^”.

Брэдбери фантастикасининг хакикий кахрамонини дунёни узгартираётган илм-фан, техника роли эмас, балки секинлик билан узгартираётган дунёда яшаётган инсондир. У инсоннинг хаётига кирган кувончли ёки ташвишли мужизани хис этиб ёзади. Инсон гоҳ Ерда, гоҳ коинотда ёки Марс кояларида булсин, Брэдбери инсон хакида шу кадар эhtiёткорлик, ута нозиклик билан юракларни огритиб ёзадики, бу тасвирлар гуё шеър ифодаси каби хотирамизда сакланиб колади.

Рей Брэдберининг “Калейдоскоп” (“The illustrated man”) хикоясида ҳам бир катор илмий терминлар ишлатилган. “Калейдоскоп” хикояси инглиз тилидан узбек тилига фантаст ёзувчи таржимон А.Фозилов томонидан таржима килинган. Бу хикоянинг узбекча таржимасида илмий атамалар махорат билан таржима мукобилларидан фойдаланган. Ушбу хикояда айнан астрономия, психологияга оид атамаларни учратишимиз мумкин.

Инглизча матн:

*“They were all alone. Their voices had died like echoes of the words of god spoken and vibrating in the starred deep. There went the captain to the **Moon**: there Stone with the **meteor swarm**: there Applegate toward **Pluto**: there Smith and Turner and Underwood and all the rest, the shards of the **kaleidoscope** that had formed a thinking pattern for so long, hurled apart.*

*-And I? —thought Hollis. What can I do? Is there anything I can do to make up for a terrible and empty life? If only I could do one good thing to make up for the meanness I collected all these years and I didn’t even know was in*

Тилшунослик

*me! But there is no one here but myself, and how can you do good all alone?  
You can't tomorrow night I 'll hit Earth's atmosphere.15, 27]*

Ўзбекча таржимаси:

*“J(ар ким узи билан узи якка қолди. Капитан **Ой** томонга қараб  
чирпирак булиб кетяпти; Стоун **метеоритлар тудаси** оралаб бормоқда; ана  
шу ёқда **Стимсон**; Эплгейтни булса кузга куринмас кучлар **Плутонга** тортиб  
кетяпти; шу вақтдан бери ранго —ранг ва жимжимадор фикрлар нациини  
жилвалантириб келган **Смит, Тёрнер, Андервуд** ва бошқалар —  
**калейдоскопнинг** шиша парчалари энди у,ар томонга якка —якка тузгиб  
кейтиди.*

- Мен-чи? —уйларди Холлис. Мен нима қилишим керак? Кандай қилиб  
ва нима билан бекор утган умрим бушлигини тулдир оламан? Жуда булмаса  
бирор савобли иш кил ибгун о^л ар им н и ювсам буларди; бу гуёицларим унча  
йиллардан бери йигилиб кетаётганлигини сезмабман у,ам. Лекин уозир ёнимда  
%еч ким йуц, тануоман —бу ауволда кимга яхшилик қилиб, гуноуларимни ювишим  
мумкин?Бу кетишда Холлис, эртага кечцурун, **Ернинг хаво қобигини** ёриб  
кирасан. Куйиб кул буласан ва кулинг барча қитъаларузра сочилиб кетади... ”

Ушбу парчада коинотда сочилиб кетган экипаж аъзоси фазодан тушаётиб  
фикрлар гужғонида колгани тасвирланган булиб, бу парча фалсафий мазмун  
касб этади, шунингдек, ёзувчининг тил унсурларидан нақддар мо^ирона  
фойдаланганини курамиз. Илмий терминлар хикояда унинг воқеаси билан  
боғланган ҳолда берилган, атамалар содда (туб) ҳолда ифодаланган булиб,  
атама яовчи —суз ясовчи кушимчасиз кулланилган.

Рей Брэдбери хикояларини урганиш жараёнида нафакат хикояда  
фойдаланилган атамаларни, балки уларнинг илмийлигини, лексик-семантик  
хусусиятларини таржима тилидаги нусхаси билан киёсий урганиш, шунингдек  
терминологик суз бирикмалари компонентларининг ўзбек ва рус тилларида  
узaro маъновий алоқадорлик хусусияти тадқиқ қилинди.

#### АДАБИЁТЛАР РҲҲАТИ:

1. **Щерба Л.В.** Опыт общей теории лексикографии,- М: Москва, 1974,- 265 с.
2. **Гринев С.В.** Введение в терминоведение. -М: Московский лицей, 1993,-309 с.
3. **Караулов Н.Ю.** Общая и русская идеография. - М: Москва, 1976, - 183 с.
4. **Ждалова Л.В.** Фантастия Рей Брэдбери. Экология. -М: Москва, 1991,- 12 с.
5. **Ray Bradbury.** Stories Volume 2. -N-Y: New-York, 1990, -27-68 p.

Тилшунослик

**Филология**

ТИЛШУНОСЛИК

|                                                                                                                                                               |       |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| Худаярова Г.Н.                                                                                                                                                |       |
| Проблемы изучения лингвистической семантики.....                                                                                                              | 6-9   |
| Назирова Ш.О.                                                                                                                                                 |       |
| Основы сравнительного языкознания (на материалах английского и русского ЯЗЫКОВ).....                                                                          | o_j'g |
| Хужанов У.Т.                                                                                                                                                  |       |
| Особенности овладения детьми русской лексики.....                                                                                                             | 14-18 |
| Рузметова М.А.                                                                                                                                                |       |
| Technical writing & communication: what & why?.....                                                                                                           | 18-20 |
| Хуррамова Н.                                                                                                                                                  |       |
| Бадиий асар таржимасида синонимларнинг узига хос жихатларидан фойдалана олиш Масаллари.....                                                                   | 21-29 |
| Эшонкулова Л.С.                                                                                                                                               |       |
| Инглиз ва узбек тилларида локативлик категорияларни ифодаловчи синтактик бирликларнинг цийсий-типологик тахлили.....                                          | 29-37 |
| Арабов Ф                                                                                                                                                      |       |
| Феъл лексемаларнинг когнитив тахлилига оид.....                                                                                                               | 38-43 |
| Мустаева Г. Спонтан ухшатиш контекстларида fem теде нотатларини синсемантик курунишда аншлаштириш.....                                                        | 43-47 |
| Хошимова Д.Р.                                                                                                                                                 |       |
| Билвосита таржимада терминологик суз бирикмалари компонентларининг узаро маъновий алоқадорлик хусусиятининг сакланиши (Рей Брэдбери х,икоялари мисолида)..... | 48 55 |

АДАБИЁТШУНОСЛИК

|                                                                                           |       |
|-------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| Ибрагимова Н.А.                                                                           |       |
| Чингиз Айтматов творитель века.....                                                       | 56-59 |
| Д.Жуманиязов.                                                                             |       |
| Роберт Саутининг “Талаба- вайрон килувчи” поэмасида каламга олинган образлар тилсими..... | 59-66 |
| Умарова М.Б., Юнусова У.М.                                                                |       |
| The problems of translating proper names from Uzbek into English.....                     | 67-72 |
| Усманова Н.Х.                                                                             |       |
| Инглиз романчилиги: сюжет ва гоя тахлили.....                                             | 72-75 |

**Кенжаева М.Т.**

|                                                                            |  |
|----------------------------------------------------------------------------|--|
| Семантика чисел и тип культуры мирового фольклора (на примере сказок)..... |  |
|----------------------------------------------------------------------------|--|

